



ОЛИЙ МАЖЛИС ҲУЗУРИДАГИ  
ҚОНУНЧИЛИК МУАММОЛАРИ  
ВА ПАРЛАМЕНТ ТАДҚИҚОТЛАРИ  
ИНСТИТУТИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОСИНING ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

*Амалий қўлланма*



Тошкент – 2020

**Муаллифлар:**  
**ю.ф.н. Г.Дж.Саттарова, А.Б.Ганибаев**

**Масъул мухаррир: Д.Б.Тураев**

Ушбу қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг ҳуқуқий мақоми, фаолиятининг ҳуқуқий асослари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг профессионал фаолиятининг шакллари ва усуллари, одоб қоидалари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ батафсил ёритиб берилган.

Мазкур қўлланма Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоларига мўлжалланган.

Амалий қўлланмадан парламент фаолиятини тадқиқ этувчи илмий изланувчилар, ҳуқуқшунос олимлар, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари ҳамда парламент аъзоларининг фаолиятига қизиқувчи кенг жамоатчилик фойдаланиши мумкин.

Кўмак ишлари: Д.Ю.Баратов, А.А.Тешабоев, Х.И.Ботиров, Л.К.Ниёзова, А.И.Юсупов

Ушбу қўлланма Вестминстер Демократия Фонди (WFD) ва Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Ўзбекистондаги элчихонасининг техник ёрдами асосида чоп этилган. Ушбу қўлланмада келтирилган фикрлар ва тавсиялар муаллифларга тегишли бўлиб, WFD ёки элчихонанинг расмий нуқтаи назарини акс эттирмайди.



Britaniya Elchixonasi  
Toshkent

**© Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
ҳузуридаги Қонунчиллик муаммолари ва  
парламент тадқиқотлари институти, 2020**

## МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I БОБ. СЕНАТ АЪЗОСИНИНГ МАҚОМИ.....	5
1.1. Сенат аъзоси тушунчаси.....	5
1.2. Сенат аъзоси фаолиятининг ҳуқуқий асослари.....	6
1.3. Сенат аъзосининг гувоҳномаси ҳамда кўкрак нишони.....	6
1.4. Сенат аъзосининг ваколат муддати.....	7
1.5. Сенат аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.....	10
II БОБ. СЕНАТ АЪЗОСИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИ.....	12
2.1. Сенат аъзосининг Сенат кўмитасидаги фаолияти.....	13
2.2. Сенат аъзосининг комиссия таркибидаги фаолияти.....	15
2.3. Сенат мажлисларида ва Олий Мажлис палаталарнинг қўшма мажлисларида чиқишлар.....	16
2.4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият, жамоатчилик ва оммавий ахборот вакиллари билан алоқалар.....	17
2.5. Сенат аъзосининг сўрови.....	19
2.6. Сенат аъзоларининг парламент назорати соҳасидаги қўшимча ваколатлари.....	19
III БОБ. СЕНАТ АЪЗОСИНИНГ ОДОБ ҚОИДАЛАРИ.....	22
IV БОБ. СЕНАТ АЪЗОСИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ.....	22
4.1. Сенат аъзосининг дахлсизлик ҳуқуқи.....	22
4.2. Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартиби.....	23
4.3. Сенатда доимий асосда ишлаётган Сенат аъзосининг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари.....	24
V БОБ. СЕНАТ АЪЗОСИ ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТ ҲАМДА МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ.....	25
5.1. Сенат аъзосининг хизмат жойини моддий-техник таъминоти.....	25
5.2. Сенат аъзосига хизмат хонаси бериш.....	25
5.3. Сенат аъзосининг транспортда текин юриш ҳуқуқи.....	25
5.4. Сенат аъзосига хизмат турар жойи бериш.....	26

## КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Сенати ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Унинг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрни ва аҳамияти Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, шунингдек “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонунида, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги, “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатларида ўз аксини топган.

Таъкидлаш лозимки, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлис Сенатининг ролини ошириш борасида чинакам янги босқични бошлаб берди. Ўтган давр мобайнида Олий Мажлис Сенатининг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатлари янада кенгайтирилди ва бу борадаги ишлар давом этиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 20 январда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлисида барча сенаторларни сайловларда ғолиб бўлиб, сенатор деган юксак номга сазовор бўлганлари билан муборакбод этар экан, олий вакиллик органи аъзоси бўлиш ҳар бир сенатор учун нафақат катта шараф, балки улкан масъулият ҳам эканини алоҳида таъкидлаб ўтди. Президент ўз нутқида таъкидлаганидек, “Сенатор – бу аввало халқ ва давлат ишончини қозонган инсон. У чуқур билим, бой ҳаётий тажрибага эга бўлган, тинимсиз меҳнат қилиб, ташаббус кўрсатиб яшайдиган, халқ манфаатларини доимо биринчи ўринга қўйиб, ўз тақдирини эл-юрт тақдирини билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрадиган шахсдир”.

«Сенат аъзосининг мақоми» – олий давлат вакиллик органи аъзоларининг ҳуқуқий мақоми бўлиб, у тегишли ҳуқуқий нормалар билан белгиланади ва Сенат аъзоси ваколатларининг бошланиши, тугаши ҳамда муддати, улар фаолиятининг кафолати ва албатта масъулияти билан боғлиқдир.

Қўлланма устида ишлаш жараёнида Сенат аъзолари фаолиятининг амалий жиҳатлари, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун шароит яратиб берадиган кафолатлар ва имтиёзларга эътибор қаратилган. Шунингдек, Сенат аъзосининг одоб қоидаларига риоя этиш масалалари ҳам атрофлича ёритилган.

Таклиф этилаётган қўлланмадан сенат аъзолари олий ҳудудий вакиллик палатаси аъзоси сифатида, парламент назорати ва сенат аъзоси фаолияти билан боғлиқ бошқа ваколатларидан фойдаланишида хизмат қилишига умид қиламиз.

## Ў БОБ. СЕНАТ АЪЗОСИНИНГ МАҚОМИ

### 1.1. Сенат аъзоси тушунчаси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан – Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат ва олий давлат вакиллик органи сифатида қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига сайланган ва Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Сенатга тайинланган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Сенат аъзоси ҳисобланади.

Сенат қонунларни ишлаб чиқадиган ва қабул қилувчи профессионал орган бўлмиш Қонунчилик палатасидан фарқланган ҳолда, ҳудудий вакиллик палатаси ҳисобланади.



*Сенат - ҳудудий  
вакиллик палатаси  
ҳисобланади*

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси юқори палатаси – вакиллик асосида иш олиб борган ҳолда вилоят, туман, шаҳар кенгашлари депутатлари ҳисобидан, Ўзбекистонимизнинг ҳар қайси 14 та субъекти – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланиши албатта бежиз эмас.

Мамлакатимиз таркибига кирадиган 14 та субъект – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ўзига хос белгилари, яъни тарихи, иқтисодий-ижтимоий ҳолати, маданияти ва анъаналари билан ажралиб туради.

Ушбу мезонлар Олий Мажлис Сенати фаолиятида миллий давлат манфаатлари мувозанатини ва ҳудудлар вакиллигини таъминлашнинг амалдаги тизимини, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида ўз вакиллари орқали аҳолининг кенг иштирок этиш имкониятларини белгилайди.

Сенат аъзолари ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган ва тегишли гувоҳнома тақдим этилган пайтдан бошлаб амалга оширадилар.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Сенат аъзоси ва Қонунчилик палатаси депутати бўлиши мумкин эмас.

## **1.2. Сенат аъзоси фаолиятининг ҳуқуқий асослари**

Сенат аъзосининг мақоми Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Булар:

“Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни;

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни;

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун;

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий қонуни;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2005 йил 6 майдаги 29-І-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти ва бошқалар.

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган бўлиб, унда Сенат аъзосининг тушунчаси, ҳуқуқлари, мажбуриятлари, ваколат муддати ва фаолиятининг асосий кафолатлари белгиланган.

Қонунчиликда Сенат аъзоси фаолияти кафолатларига алоҳида эътибор берилган бўлиб, яъни Сенат аъзосининг дахлсизлик ҳуқуқи ва ундан маҳрум қилиш тартиби, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, Сенат аъзосини мансабдор шахслар томонидан зудлик билан қабул қилиш ҳуқуқи, Сенат аъзоси сўрови ва Сенат аъзосининг одоб қоидалари назарда тутилган.

Сенат аъзолари учун ижтимоий кафолатлар, имтиёзлар, моддий, маиший ва транспорт хизматларини кўрсатиш шаклида тақдим этилади.

Қонунда белгиланган кафолатлар ва парламент фаолиятининг муносиб таъминланиши Сенат аъзосини мустақиллигини ишончли ҳимоя қилади. Сенат аъзосининг моддий таъминоти, шубҳасиз, улар эркинлиги ва мустақил фаолиятининг асосий шартларидан биридир.

Сенат аъзоси қонун ҳужжатларга мувофиқ Сенатда доимий асосда ишлаши мумкин. Сенатда доимий асосда ишловчи Сенат аъзоси ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

## **1.3. Сенат аъзосининг гувоҳномаси ҳамда кўкрак нишони**

Сенат аъзосининг гувоҳномаси Сенат аъзосининг ваколати ва шахсини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Сенат аъзосининг кўкрак нишони Сенат аъзоси мақомига эга бўлган мансабдор шахс сифатида ажратиб турувчи белги ҳисобланади.



Кўкрак нишони кўкракнинг чап томонига тақилади.

Гувоҳнома ва кўкрак нишони Сенат аъзоси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси ёки у ваколат берган шахс томонидан топширилади.

Сенат аъзоси ўз ваколатларини амалга ошираётганда гувоҳномасини кўрсатиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга монеликсиз кириш ҳуқуқидан, шунингдек уларнинг раҳбарлари ҳамда бошқа мансабдор шахслари томонидан дарҳол қабул қилиниш ҳуқуқидан фойдаланади.

Фаолияти давлат сири ҳамда қонун билан қўриқланадиган бошқа сир билан боғлиқ давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга Сенат аъзосининг кириш тартиби қонунда белгиланади.

Сенат аъзоси гувоҳнома ва кўкрак нишонидан ўз ваколатлари муддати давомида фойдаланади.

Сенат аъзосининг гувоҳнома ва кўкрак нишонини олиб қўйиш ёки бошқа шахсларга бериш тақиқланади.

Сенат аъзосининг ваколат муддати тугаганидан кейин гувоҳнома ва кўкрак нишони ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади ҳамда Сенат аъзоси ваколатини ўтаган шахсда эсдалик сифатида қолади.

Сенат аъзосининг ваколати муддатидан илгари тугатилган тақдирда гувоҳнома ва кўкрак нишони Сенат девони орқали ўн кундан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси Котибиятига қайтариледи.

#### **1.4. Сенат аъзосининг ваколат муддати**

Сенат аъзоси Сенатнинг ваколатлари муддатига сайланади ёки тайинланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига икки муддатдан ортиқ муддатга сайланиши билан боғлиқ конституциявий чекловдан фарқли

ўлароқ, Сенат аъзосига нисбатан бундай чекловлар қўйилмаган.

Шунингдек, Сенат аъзосига амалдаги қонунчиликда назарда тутилган имтиёз ва кафолатлар муддати унинг ваколат муддатига тенг бўлиб, мазкур давр мобайнида сенат аъзосининг дахлсизлигини ва ваколатларини амалга оширишини кафолатлайди.

Амалда Сенат аъзоси ўз фаолияти Сенатнинг биринчи мажлиси кунидан бошлайди ва Сенатнинг янги чақириқ биринчи мажлисига қадар давом эттиради.

**Сенат аъзосининг ваколатлари қуйидаги ҳолларда муддатидан илгари тугатилади:**

**У ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилиш ҳақида ёзма ариза берган тақдирда**

*(меҳнат эркинлиги конституциявий принциpidан келиб чиққан ҳолда, фақат Сенат аъзосининг ўз ташаббуси ва ихтиёрий қарорига асосланади)*

**У қонунга қўра Сенат аъзоси ваколатларини амалга оширишга номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда**

*(қонун ҳужжатларида назарда тутилган Сенат аъзолари ваколоти давомида илмий ва педагогик фаолиятидан ташқари бошқа ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланишига доир чекловлардан келиб чиқади)*

**Унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда**

*(бунда содир этилган жиноят қанчалик оғир эканлиги муҳим эмас. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки Сенат аъзосининг судланганлиги, унинг профессионал фаолиятига баҳо бериш эмас)*

**У чақириб олинган тақдирда**

*(Сенат аъзосининг профессионал фаолиятининг йўл қўйиб бўлмайдиган даражада самарасизлиги сабабли)*

**Суд уни муомалага лаёқатсиз деб топган тақдирда**

*(суд тартибида белгиланган Сенат аъзосининг соғлиги ҳолатига қўра ўз ваколатларини амалга оширишга қодир эмаслиги)*



**У суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинган тақдирда**

*(суд қарорига биноан)*

**У Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда**

*(Ўзбекистон Республикасининг вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига тўқинлик қилади)*

**У вафот этган тақдирда**

*(ўлим ҳақидаги гувоҳнома ёки тегишли суд қарорига асосан)*

**Сенат тарқатиб юборилган тақдирда**

*(Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони асосида амалга оширилади)*

**Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг сенатор этиб сайланган депутати ваколатларининг муддатидан илгари тугатилиши**

*(Ўзбекистон Республикаси “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашии депутатининг мақоми тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида белгиланган асосларга кўра)*

**Истисно ҳолатларда – Сенатнинг қарорига биноан Сенат аъзоси деган юксак номга доғ туширувчи хулқ-атвори сабабли**

*(Сенат аъзоси умумий ахлоқ меъёрларини қўпол тарзда бузган, шунингдек ваколатли давлат ҳокимият органларининг обрўсига путур етказадиган қоидабузарликларни содир этган ҳолатда)*

Юқорида қайд этилганидек, Сенат аъзоси қонун ҳужжатларига мувофиқ Сенатда доимий асосда ишлаган ҳолда, ўз ваколатлари даврида илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас.

Ушбу қоидага амал қилмаган тақдирда доимий асосда ишлаётган Сенат аъзоси ихтиёрий равишда истеъфога чиқиши керак.

Ваколатларни муддатидан илгари тугатиш асосларининг қонунчиликда белгиланган рўйхати қатъийдир ва кенг талқин қилиниши мумкин эмас.



*Сенат аъзосининг ваколатларини бошқа шахсга топшириш мумкин эмас*

### **1.5. Сенат аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Сенат аъзосининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Сенат аъзоси мақомининг асосий элементлари ҳисобланади. Ушбу мақом унга Сенатнинг қонунчилик, назорат ва бошқа фаолиятида эркин иштирок этишини таъминлайди.

Сенат аъзосининг ваколатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг конституциявий ваколатларидан келиб чиқиб белгиланган. Шу билан биргаликда, Қонунчилик палатаси ва Сенат аъзосининг аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги қонунида бирхиллик тамойилига асосланганини эътироф этишимиз керак. Бундай ёндашув Сенат аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари сингари, биринчи навбатда уларга ишонч билдириб, депутат этиб сайлаган ўз сайловчилари олдида масъул ва жавобгар эканлиги билан боғлиқ.

Шу билан бирга, ҳар бир Сенат аъзосининг асосий вазифаси Сенатнинг қонунчилик, назорат ва бошқа фаолиятини амалга оширишда ҳудудий манфаатларни ифодалаш, уларни умумдавлат манфаатлари билан уйғунлаштиришдан иборатдир.

“Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида парламент назоратининг бир неча шакллари назарда тутилган.

Парламент назорати билан боғлиқ фаолият Сенатнинг энг самарали усулларидан бири бўлиб, ҳаётнинг шиддат билан ўзгариб бораётгани, жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида амалга ошираётган демократик ислохотлар шароитида Сенат фаолиятини янада такомиллаштиришга, самарасини кўтаришга қаратилган.

Мазкур ваколатларни амалга ошириш тартиби палаталар Регламентлари билан белгиланади.

Сенат аъзолари ваколатларини қуйидагича тақсимлаш мумкин.



### ***Парламент назорати соҳасида:***

■ давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари уларнинг мансабдор шахслари ҳисоботи ёки ахборотини қўмита мажлисларида эшитиш тўғрисида таклиф киритиш;

■ Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ижро этилиши ҳолати тўғрисида Сенат қарорларининг кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этиш;

■ фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонун ҳужжатларини бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этиш.

### ***Қонунчилик фаолияти соҳасида:***

■ ўзи аъзо бўлган тегишли органнинг қарорига қўшилмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини палата мажлисида баён қилиш ёки бу ҳақда тегишинча Сенат Раисига ёзма равишда маълум қилиш;

■ қарор лойиҳалари ишлаб чиқиш, уларга тузатишлар киритиш;

■ мунозараларда иштирок этиш, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар бериш.



*Сенат аъзосининг вазифалари  
Парламентнинг асосий  
функцияларини бажариши билан  
чамбарчас боғлиқдир*



*Сенат аъзоси Сенатнинг  
мажлисларида қайси қўмита,  
комиссия таркибига,  
келишув комиссияси таркибига  
сайланган бўлса,  
шу қўмита,  
комиссиянинг  
мажлисларида қатнашиши,  
овоз беришда  
Сенатнинг  
регламентларида белгиланган  
тартибда шахсан иштирок этиши шарт*

Сенат аъзоси Сенат, қўмита, комиссия, келишув комиссияси мажлисида иштирок этиш имконияти бўлмаган тақдирда бу ҳақда тегишинча Сенат Раисига, қўмита, комиссия раисига, келишув комиссиясининг тегишли палатадан сайланган ҳамраисига олдиндан хабар қилиши шарт.

## II БОБ. СЕНАТ АЪЗОСИНИНГ ПРОФЕССИОНАЛ ФАОЛИЯТИ

Сенат фаолиятини ташкил этишда ҳудудий вакиллик принципини инобатга олган ҳолда юқори палатада сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллиги назарда тутилмаган. Шу билан бирга, Сенат аъзолари Сенат таркибида тузилган қўмита ва комиссиялар таркибида ўз фаолиятини амалга оширадилар.

Сенатнинг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида Сенат Кенгаши тузилади.

Сенат Кенгашининг таркибига Сенат Раиси, унинг ўринбосарлари ва Сенат қўмиталарининг раислари киради.



Сенат Кенгаши:

- Сенат мажлисининг кун тартиби лойиҳасини шакллантиради;
- қонунда назарда тутилган ҳолларда Сенатнинг ваколатларига тааллуқли қарорларни Сенатнинг мажлислари оралиғида қабул қилади, ушбу қарорлар кейинчалик Сенатнинг мажлисида тасдиқланади;

- қўмиталарнинг ишини мувофиқлаштириб боради;

Сенатнинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал этади.

Кенгаш ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича ўз аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

Сенат Кенгашига Сенат Раиси раҳбарлик қилади, у Кенгашнинг мажлисларини олиб боради ва унинг қарорларини имзолайди.

## **2.1. Сенат аъзосининг Сенат қўмитасидаги фаолияти**

Сенат муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда Сенатнинг қарорлари ижросини назорат қилиш учун Сенат шаклланганидан кейин унинг ваколатлари муддатига сенат аъзолари орасидан раис, унинг ўринбосари ва аъзолардан иборат таркибда қўмиталар сайланади.

Сенат қўмиталарининг барча аъзолари тенг ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

Қўмита таркибига сайланмаган сенатор унинг ишида маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этишга ҳақли.

Сенат қўмиталари Сенат олдида масъул ва унга ҳисобдордир.

Сенат қўмиталари ишни ўз режаларига, шунингдек Сенат, унинг Раиси ва Кенгаши топшириқлари ҳамда тавсияларига мувофиқ ташкил этади.

### **Сенатда қуйидаги қўмиталар тузилиши шарт:**

***Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари  
қўмитаси***

***Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш  
қўмитаси***

***Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси***

***Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар,  
хорижий инвестициялар ва туризм масалалари  
қўмитаси***

***Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари  
қўмитаси***

***Ёшлар, маданият ва спорт масалалари  
қўмитаси***

***Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология  
қўмитаси***

Сенатда бошқа кўмиталар ҳам тузилиши мумкин.

Сенат кўмиталарининг умумий сони, қоида тариқасида, саккизтадан ошмаслиги керак.

Сенат кўмитасининг раиси, унинг ўринбосари ва кўмита аъзолари палата мажлисида Сенат Раисининг тақдимига биноан Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан сайланади.

Сенат кўмитасининг раиси, унинг ўринбосари, шунингдек кўмита аъзолари сайлангани тўғрисида Сенат қарор қабул қилади.

Сенат кўмиталарининг мажлислари заруратга кўра Сенат мажлислари оралиғида ўтказилади.

Сенат кўмиталарининг мажлислари кўмита аъзоларининг камида ярми ҳозир бўлса ваколатли ҳисобланади.

Сенат кўмиталарининг мажлислари очик зарурат бўлганида ёпик мажлис ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Кўмиталарнинг мажлисларига давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг, илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимлар, матбуот органларининг, телевидение, радио ҳамда бошқа оммавий ахборот воситаларининг вакиллари таклиф қилиниши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили иштирок этиши мумкин.

Сенат кўмиталари кўриб чиқиладиган масалалар юзасидан кўмита жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилади.

Сенат кўмиталарининг давлат органларига юбориладиган қарорлари улар томонидан кўриб чиқилиши шарт, натижалари ёки кўрилган чоралар тўғрисида, агар қарорда бошқача қоида белгиланган бўлмаса, узоғи билан бир ойдан кечиктирмай хабар қилиниши керак.

#### **Қуйидагилар Сенат кўмиталарининг ваколатлари ҳисобланади:**

1) Қонунчилик палатаси томонидан Сенатга маъқуллаш учун топширилган қонунлар юзасидан хулосалар ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси юзасидан хулосалар ва таклифлар беради;

2) ўз ташаббуси билан ваколатларига оид масалалар юзасидан Сенатнинг топшириғига биноан Сенат ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқади;

3) қонунни мажлис кун тартибига киритиш ёки унинг устида ишлаш ёхуд асослантирилган ҳолда уни рад этиш тўғрисида Кенгашга таклифлар киритади;

4) Сенат мажлисида ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш масалаларини кўяди;

5) давлат органлари ва бошқа ташкилотлардан, мансабдор шахслардан ҳужжатларни, эксперт хулосалари ва бошқа хулосаларни, статистика маълумотлари ва бошқа маълумотларни талаб қилиб олади;

6) Қонунчилик палатаси томонидан киритилган қонунларни кўриб чиқиш бўйича давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг,

илмий муассасаларнинг вакиллари, мутахассислар ва олимларни, хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларини жалб этган ҳолда ишчи гуруҳлари тузади;

7) киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Сенат томонидан қабул қилинаётган қарорлар матнига ўзгартиш ёки қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

8) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарларининг қонунларга риоя этилиши, Сенат ва унинг Кенгаши, Сенат қўмиталари қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги ахборотини эшитади;

9) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан қонунларнинг, Сенат қарорларининг ижро этилиши ҳолатини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини вақти-вақти билан жойларга чиқиб ўрганади;

10) янги қабул қилинган қонунлар ижросини таъминлаш учун қонун ости ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши юзасидан мониторингни амалга оширади.



*Юқорида қайд этилганидек, Сенат аъзолари қонунчилик фаолиятининг ўзига хос хусусияти қўйи палата томонидан қабул қилинган қонунларни кўриб чиқишдан иборатдир*



*Сенат аъзоси ўзи аъзо бўлган қўмита мажлисларида иштирок этишга мажбурдир*

## **2.2. Сенат аъзосининг комиссия таркибидаги фаолияти**

Сенат муайян вазифаларни бажариш учун комиссиялар тузиши мумкин.

Комиссия Сенат мажлисида Сенат аъзолари орасидан комиссия раиси ва аъзолари, зарурат бўлганда эса комиссия раисининг ўринбосаридан иборат таркибда тузилади.

Комиссия тузилгани тўғрисида Сенат қарор қабул қилади.

Комиссия ўз зиммасига юклатилган вазифалар бажарилганидан сўнг, қайси муддатга тузилган бўлса, шу муддат ўтганидан кейин ёки Сенатнинг қарорига биноан муддатидан илгари ўз фаолиятини тугатади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма қарори билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг комиссиялари (парламент комиссиялари) ташкил этилиши мумкин.

Зарур бўлган ҳолларда комиссиялар ишига давлат органларининг ва бошқа органларнинг вакиллари, шунингдек фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари жалб этилиши мумкин.

**Бугунги кунда Сенат таркибида қуйидаги комиссиялар фаолият кўрсатмоқда:**

- Регламент ва одоб комиссияси
- Сенатнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссияси
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси

### **2.3. Сенат мажлисларида ва Олий Мажлис палаталарнинг қўшма мажлисларида чиқишлар**

Сенат аъзосининг кўплаб ҳуқуқлари орасида унинг асосий ҳуқуқи сифатида овоз бериш ҳуқуқини қайд этиш мумкин. Сенатда ва Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисларида кўриб чиқиладиган турли масалалар бўйича овоз беришда иштирок этиш орқали ҳар бир Сенат аъзоси ўз нуқтаи назарини ифода этиш ва муайян масалага ўз ечимини таклиф қилиш имкониятига эга. Сенат аъзоси ўзининг овоз бериш ҳуқуқини шахсан амалга оширади.

Сенат мажлисларида сўзга чиқадиган Сенат аъзосининг ваколатлари қаторида қуйидаги ҳуқуқларини ҳам қайд этиш мумкин:

- масъул кўмита хулосасини ўқиш учун асосий маърузачи сифатида иштирок этиш;
- қонунни муҳокама қилиш доирасида чиқишлар;
- ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқишга ва овоз бериш сабаблари юзасидан изоҳ беришга юзасидан изоҳ беришга;
- палата мажлисида раислик қилувчига муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз нутқи, таклифи ёки мулоҳазаси матнини топширишга;
- палата таркибидаги ўзи аъзо бўлган тегишли органнинг қарорига қўшилмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини палата мажлисида баён қилишга ёки бу ҳақда Сенат Раисига ёзма равишда маълум қилишга;
- Сенат томонидан тузиладиган органларнинг шахсий таркиби ҳамда сайланадиган, тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдириш. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ва унинг ўринбосарини сайлаш, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш;
- баҳс-мунозарада қатнашиш, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар бериш. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) фаолияти ва Ҳисоб палатасининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эшитишда ва ҳ.к.



## 2.4. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият, жамоатчилик ва оммавий ахборот вакиллари билан алоқалар

Жисмоний ва юридик шахсларнинг Сенатга келиб тушган мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда Сенатда жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш Сенат аъзолари томонидан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ амалга оширилади.



Мурожаатлар Сенат Раиси ва тегишли қўмиталар томонидан кўриб чиқилади.

Фуқаролардан келиб тушган шикоятларда қўйилган масалаларни ҳал этиш Сенатнинг ваколати доирасига кирмайдиган масалалар ва мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг ўз вақтида (зудлик билан) ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида тегишли ҳокимликларга, судларга, прокуратура органларига, вазирлик ва идораларга, бошқа ваколатли органларга юборилиши мумкин. Бундай мурожаатлар билан ишлаш Сенат аъзосининг доимий назорати остида бўлиши керак.



## *Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар*

Жамоатчилик билан мунтазам алоқаларни ўрнатишнинг самарали усулларида бири сифатида Сенат аъзоси фаолиятини оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, телевидение ва интернет тармоғида ёритилиши анъанага айланган ҳолда, бугунги кунда Сенат ҳаётида бўлиб ўтаётган тадбирлар ҳақида кенг жамоатчиликни хабардор қилишга қаратилган.



Сенат ўз фаолияти матбуотда, телевидение ва радио дастурларида ўз вақтида ёритилишига катта эътибор қаратади. Сенат аъзоларининг ўз ваколати дорасидаги масалалар бўйича фикрлари, маърузалар, мақола, интервьюлар, ахборот-таҳлилий дастурларда, телевидение, радио, босма нашрлар, шу жумладан интернет-ресурслари, ўзларининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари орқали мунтазам равишда кенг жамоатчиликка етказиш Сенат фаолиятининг шафоқлигини таъминлашда хизмат қилади.

Шундай қилиб, Сенат аъзолари аҳолининг мурожаатларида кўтарилаётган долзарб муаммоларни, давлат органларида коррупцияга қарши курашиш ва бошқа масалаларни самарали ҳал этишда бугунги кунда ОАВ, ижтимоий тармоқларнинг роли муҳим аҳамият касб этади.

## 2.5. Сенат аъзосининг сўрови

Сенат аъзосининг сўрови парламент назоратининг шаклларида бири бўлиб «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида», «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Сенат аъзоси давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига, қоида тариқасида, тегишли ҳудудларнинг манфаатлари билан боғлиқ масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби қўйилган муурожаатидир.

# 10 ҚУН

*Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари Сенат аъзоси сўровига, агар бошқа мууддат белгиланган бўлмаса, сўров олинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай ёзма жавоб юборади*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги ваколатли вакили Сенат аъзосининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига, давлат бошқаруви органларининг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига юборилган сўровига ўз вақтида жавоб юборилишини таъминлашга кўмаклашади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг, суриштирув ва тергов органларининг, судларнинг иш юритувидаги муайян ишлар ва материалларни, шунингдек ижро иши юритиш ҳамда нотариал иш юритишнинг муайян материалларини кўриб чиқиш билан боғлиқ фаолият Сенат аъзоси сўрови объекти бўлиши мумкин эмас.

## 2.6. Сенат аъзоларининг парламент назорати соҳасидаги қўшимча ваколатлари

Парламент назорати доирасида Сенат аъзолари «Парламент назорати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ ваколатларни амалга оширадilar. Сенат томонидан қўмиталарнинг ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини эшитиш, шунингдек, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботларини эшитиш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Марказий банк, Хисоб палатаси, Инсон ҳуқуқлари вакили (Омбудсман) ҳар йили Сенатга ҳисобот тақдим этади, ҳисобот Сенатнинг

навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва ҳукумат аъзолари билан биргаликда ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат дастури бажарилишининг бориши тўғрисида ҳисоботни эшитадилар.

Сенатнинг кўмиталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини дастлабки тарзда кўриб чиқади ҳамда Сенатнинг мажлисида мажбурий равишда ва ҳар томонлама муҳокама қилиниши лозим бўлган фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади.

Сенат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини кўриб чиқиш яқунлари бўйича қарор қабул қилади, қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасидан келиб чиқадиган, тегишли йилга мўлжалланган давлат



дастурини бажариш бўйича ҳукумат фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ўз ичига олиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини кўриб чиқиш яқунлари бўйича қабул қилинган Сенат қарори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

2. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг айрим долзарб масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботи парламент сўрови тартибда эшитилади. Бунда Сенат кўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини дастлабки тарзда кўриб чиқиши юзасидан фикрлар ва таклифларни ишлаб чиқади ҳамда Сенатнинг мажлисида мажбурий равишда ҳар томонлама муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича Сенат қарор қабул қилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборади.

3. Тегишли кўмиталарнинг ташаббусига кўра, Ҳукумат аъзоларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ахборотини Сенат ўз мажлисида белгиланган тартибда эшитади. Масалан, Сенатнинг тегишли кўмиталари ташаббусига кўра Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси ҳолати ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг ўз фаолияти ҳақидаги ахборотларини йилига икки марта кўриб чиқилади. Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг давлат органлари ва ташкилотларининг норма ижодкорлиги фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ҳолати тўғрисидаги ахборотини йилига бир марта тегишли

қўмитада дастлабки тарзда кўриб чиққан ҳолда эшитади.

Ҳукумат аъзоларининг ахборотини эшитиш тўғрисида олдиндан қабул қилинган ҳамда эшитиш яқунлари бўйича қабул қилинган Сенатнинг қарорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилади.

4. Вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳисоботлар Сенатнинг тегишли қўмиталари ташаббусига кўра кўриб чиқилади. Тегишли ҳудудни ривожлантириш масалалари юзасидан вилоятлар, туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг ҳисоботларини эшитиш тўғрисида қабул қилган қарор тегишли ҳокимларга олдиндан юборилади. Тегишинча, ҳисоботларни эшитиш яқунлари бўйича ҳам Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинади.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳар йилги ҳисоботи Сенатда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Сенатнинг тегишли қўмитаси томонидан кўриб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботи ва ушбу ҳисоботни эшитиш яқунлари бўйича қабул қилган қарори Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига юборилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги ҳисобот тегишли қўмиталар томонидан кўриб чиқилгандан кейин эшителиди.

Сенат ҳар йили ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни муҳокама қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) маърузаси билан бошланади, маърузадан сўнг Сенат қўмиталарининг вакиллари сўзга чиқади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (омбудсманнинг) фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни эшитиш яқунлари бўйича қабул қилинган қарори ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилига (омбудсманга) ва Қонунчилик палатасига юборилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳар йилги ҳисоботи мазкур масала юзасидан Қонунчилик палатасининг қарори Сенатга келиб тушганидан кейин эшителиди ва муҳокама қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш чоғида Сенат Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раисининг маърузасини, тегишли қўмита вакилининг қўшимча маърузасини, шунингдек бошқа қўмиталар вакиллариининг чиқишларини эшитади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича қабул қилинган қарори ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига ва Қонунчилик палатасига юборилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ҳар йили Сенатга ҳисобот тақдим этади, ҳисобот Сенатнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботи дастлабки тарзда Сенатнинг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш

кўмитаси томонидан Сенатнинг прокуратура органлари фаолияти устидан назорат қилувчи комиссияси билан биргаликда кўриб чиқилади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботини эшитиш яқунлари бўйича қабул қилган қарори Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига юборилади.

### **III БОБ. СЕНАТ АЪЗОСИНИНГ ОДОБ ҚОИДАЛАРИ**

Сенат аъзоси одоб қоидаларига қатъий риоя этиши лозим. Сенат аъзоси ўз мақомидан фуқароларнинг, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зиён етказадиган тарзда фойдаланишига йўл қўйилмайди.

Сенат аъзосининг одоб қоидалари бузилган тақдирда Сенат аъзосининг хулқ-атвори тўғрисидаги масала Сенатнинг регламент ва одоб комиссияси томонидан кўриб чиқилиши ёки Сенат мажлисига кўриб чиқиш учун киритилиши мумкин.

### **IV БОБ. СЕНАТ АЪЗОСИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ КАФОЛАТЛАРИ**

Кафолатларнинг мақсади – Сенат аъзосини ҳимоя қилиш ва уни нафақат ҳуқуқларини, балки мажбуриятларини ҳам таъминлаш, фуқароларнинг манфаати учун самарали ишлашга ундашдан иборат. Бунда Сенат аъзосининг бевосита иштироки билан боғлиқ бўлган Сенат аъзоси ваколатини амалга оширишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунилади.

Ҳар бир Сенат аъзоси ўз ваколатларини ҳеч қандай тўсқинликсиз ва самарали бажариши, ҳуқуқларини, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш учун кафолатланади шарт-шароитларига эга.

Сенат аъзоси ваколатларини амалга оширишига тўсқинлик қилиш мақсадида ҳар қандай тарзда таъсир кўрсатишга йўл қўйилмайди.

Сенат аъзоси олдидаги вазифаларини бажаришига, ишига тўсқинлик қиладиган, била туриб унга ёлғон ахборот берадиган, Сенат аъзоси фаолиятининг кафолатларини бузадиган мансабдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

#### **4.1. Сенат аъзосининг дахлсизлик ҳуқуқи**



*Сенат аъзоси ўзининг ваколатлари муддати мобайнида дахлсизлик ҳуқуқига эга бўлади*

Сенат аъзоси дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади. У Сенатнинг розилигисиз, Сенат мажлислари оралиғидаги даврда эса, Сенат Кенгашининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортилиши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазога тортилиши мумкин эмас.

Сенат аъзосини мажбурий келтиришга, шунингдек унинг уй-жойи, хизмат хонасини, юки, шахсий ва хизмат транспорти воситаларини, ёзишмаларини, у фойдаланаётган алоқа воситаларини, шунингдек унга тегишли ҳужжатларни кўздан кечиришга йўл қўйилмайди.

Сенат аъзоси Сенат мажлисида овоз бериш чоғида фикр билдирганлиги ёки нуқтаи назарини баён этганлиги учун ҳамда ўз ваколатларини амалга ошириши билан боғлиқ бошқа ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши мумкин эмас, шу жумладан ваколатлари муддати тугаганидан кейин ҳам жавобгарликка тортилиши мумкин эмас. Агар шундай хатти-ҳаракатлар муносабати билан Сенат аъзоси ҳақорат қилишга, тухмат қилишга ёки қонун ҳужжатларида жавобгарлик назарда тутилган бошқа қонунбузарликларга йўл қўйган бўлса, у дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилинган тақдирда жавобгарликка тортилади.

Парламент аъзосининг дахлсизлиги дунёнинг барча давлатлари парламентларида мавжуд бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати аъзоси мақомининг асосий элементларидан саналади, унинг фаолиятининг энг муҳим ҳуқуқий кафолатидир.

Сенат аъзосининг дахлсизлиги уларнинг турар-жойига, иш жойига, юкига, шахсий транспорт воситаларига, ёзишмаларига, фойдаланадиган алоқа воситаларига ва уларнинг ҳужжатларига тегишли.

Бироқ, унутмаслигимиз керакки парламент дахлсизлигининг кафолати – бу шахсий имтиёз эмас ва Сенат аъзоси вазифаларини ҳеч қандай тўсқинликсиз бажариши билан боғлиқдир.

#### **4.2. Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тартиби**

Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан Сенат ёки Сенат Кенгаши томонидан ўн кун ичида ҳал этилади.

Сенатнинг ёки Сенат Кенгашининг Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик бериш масаласига доир қарори дарҳол Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига юборилади.

Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик олган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори иш юритиш тамомланган кундан эътиборан уч кунлик муддат ичида Сенатга ишни тергов қилиш, судда кўриб чиқиш натижалари тўғрисида хабар қилиши шарт.

Сенатнинг ёки Сенат Кенгашининг Сенат аъзосини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум қилишга розилик беришни рад этиши унга нисбатан жиноят ишини юритишни ёки суд тартибида бериладиган маъмурий жазони назарда тутадиган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни юритишни истисно этадиган ва бундай ишларни тугатишга сабаб бўладиган ҳолат ҳисобланади. Тегишли ишни тугатиш тўғрисидаги қарор фақат янги очилган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда бекор қилиниши мумкин.

### **4.3. Сенатда доимий асосда ишлаётган Сенат аъзосининг меҳнат ҳуқуқлари кафолатлари**

Сенат аъзоларига ваколатлари муддати тугаганидан кейин ишга жойлашишга доир кафолатлар берилади. Ваколатлари муддати тугагач, Сенат аъзосига ўзининг розилиги билан бошқа лавозимдаги иш, шу жумладан юқорироқ лавозимдаги иш ҳам берилиши мумкин.

Сенат аъзоси илгариги иш жойига (лавозимига) қайтган тақдирда, Сенат аъзосининг аввалги эгаллаб турган лавозимига қабул қилинган шахс билан меҳнат шартномаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ бекор қилинади.

Корхона, муассаса, ташкилот қайта ташкил этилган ёки ходимлари сони (штати) ўзгарган тақдирда Сенат аъзосига ваколатлари муддати тугаганидан кейин илгариги иш жойи бўйича бошқа аввалгисига тенг лавозим берилади. Бунда Сенат аъзосини ишга жойлаштириш мажбурияти ҳуқуқий ворис зиммасига юклатилади.

Корхона, муассаса ёки ташкилот тугатилган тақдирда, Сенат аъзосига ўзининг розилиги билан бошқа корхонада, муассасада ёхуд ташкилотда иш (лавозим) берилади. Бунда Сенат аъзосини ишга жойлаштириш мажбурияти юқори турувчи орган ёки бошқа ваколатли орган зиммасига юклатилади.

Сайланишига (тайинланишига) қадар, лавозимларга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан амалга ошириладиган лавозимларда ишлаган Сенат аъзоларини ишга жойлаштириш тегишинча Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ёхуд Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Сенат тарқатиб юборилган тақдирда, Сенат аъзосига ишдан бўшатиш ойлик нафақаси ҳисобга олинган ҳолда ишга жойлашиш даврида қонунда белгиланган тартибда ўртача ойлик иш ҳақи тўланади.

Сенат аъзосининг ваколатлари муддати умумий иш стажига, хизмат муддатига ва аввалги ихтисоси бўйича иш стажига қўшиб ҳисобланади.



## V БОБ. СЕНАТ АЪЗОСИ ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТ ҲАМДА МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ

### 5.1. Сенат аъзосининг хизмат жойини моддий-техник таъминоти

Сенат девони Сенат аъзосини хужжатлар, зарур ахборот ва маълумот материаллари билан таъминлайди, шунингдек Сенат аъзоси фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича мутахассисларнинг маслаҳатларини уюштиради.

Сенат аъзосига техник воситалар, алоқа воситалари ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш учун шарт-шароит яратилади.

### 5.2. Сенат аъзосига хизмат хонаси бериш

Сенат аъзосига Сенат биносида идора мебели, зарурий техника воситалари ва девонхона ашёлари билан жиҳозланган алоҳида хизмат хонаси (ёки хизмат хонасида иш жойи) берилади.

### 5.3. Сенат аъзосининг транспортда текин юриш ҳуқуқи

Сенат аъзоси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво, темир йўл, автомобиль йўловчилар транспортда (такси ва шаҳар йўловчилар транспорт бундан мустасно) текин юриш ҳуқуқидан фойдаланади.

Сенат аъзоси аэропортлар ва аэровокзаллар, темир йўл вокзаллари ҳамда станцияларининг расмий шахслар ва делегациялар учун мўлжалланган залларидан текин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзосининг  
гувоҳномасига транспортда бепул юриш ҳуқуқини берадиган илова варақасининг

НАМУНАСИ

ОЛД ТОМОН



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИНING  
СЕНАТИ АЪЗОСИ

С.САИДОВ  
001 - Гувоҳномага

Депутат, сенатор Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳаво, темир йўл, автомобиль йўловчилар транспортда (такси ва шаҳар йўловчилар транспорт бундан мустасно) текин юриш ҳуқуқидан фойдаланади.

Депутат, сенатор аэропортлар ва аэровокзаллар, темир йўл вокзаллари ҳамда станцияларининг расмий шахслар ва делегациялар учун мўлжалланган залларидан текин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Депутат, сенатор ўз гувоҳномасини кўрсатганидан кейин темир йўл вокзаллари ва станцияларининг чипта сотадиган кассалари,

ОРҚА ТОМОН

фуқаро авиацияси агентлиги ёки аэропортлар унга поезднинг ётоқли ёки юмшоқ ўриндикли вагонидан, самолёт салонидан навбатсиз жой беришлари шарт. Депутат, сенатор палатанинг мажлисига бораётганда унга самолёт чиптаси парвоздан камида икки соат олдин, бошқа ҳолларда эса, камида бир сутка олдин берилади.

Чиптасида ўриндикнинг тартиб рақами ҳам кўрсатиладиган шаҳарлараро; шунингдек шаҳар атрофига катнайдиган автобусларда депутат, сенатор автовокзаллар ва автостанцияларнинг кассаларидан навбатсиз олинладиган текин чипта билан юради. Қолган барча ҳолларда депутатнинг, сенаторнинг йўловчилар транспортда юриши (такси ва шаҳар йўловчилар транспорт бундан мустасно) депутатнинг, сенаторнинг гувоҳномаси бўйича амалда олинилади.

Депутат, сенатор ҳар бир транспорт турида амалда бўлган нормаларга мос қўл юқини текин олиб юриш ҳуқуқига эга.

Транспорт ташкилотлари билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Сенат аъзоси ўз гувоҳномасини кўрсатганидан кейин темир йўл вокзаллари ва станцияларининг чипта сотадиган кассалари, фуқаро авиацияси агентлиги ёки аэропортлар унга поезднинг ётоқли ёки юмшоқ ўриндикли вагонидан, самолёт салонидан навбатсиз жой беришлари шарт. Сенат аъзоси Сенат мажлисига бораётганда унга самолёт чиптаси парвоздан камида икки соат олдин, бошқа ҳолларда эса, камида бир сутка олдин берилади.

Чиптасида ўриндикнинг тартиб рақами ҳам кўрсатиладиган шаҳарлараро, шунингдек шаҳар атрофига қатнайдиган автобусларда Сенат аъзоси автовокзаллар ва автостанцияларнинг кассаларидан навбатсиз олинадиган текин чипта билан юради. Қолган барча ҳолларда Сенат аъзосининг йўловчилар транспортида юриши (такси ва шаҳар йўловчилар транспорти бундан мустасно) Сенат аъзосининг гувоҳномаси бўйича амалга оширилади.

Сенат аъзоси ҳар бир транспорт турида амалда бўлган нормаларга мос кўл юқини текин олиб юриш ҳуқуқига эга.

#### **5.4. Сенат аъзосига хизмат турар жойи бериш**

Сенатда доимий асосда ишловчи Сенат аъзосига агар улар Тошкент шаҳрида турар жойга эга бўлмаса, берган аризаларига биноан ваколатлари амал қиладиган муддатга оила аъзолари билан яшаш учун Тошкент шаҳрида хизмат турар жойи берилади.

Эгаллаб турган хизмат турар жойини Сенат аъзоси ваколатлари тугаган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмай бўшатиб бериши шарт.

#### **ЭСЛАТМАЛАР УЧУН**

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---


---

---

---

---

## ЭСЛАТМАЛАР УЧУН



Q M P T I



Q M P T I